



# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko'ksaroy maydoni, 1-uy.

20 21-yil 22 - февраль

25 - К -son

Samarqand sh.

**Вилоятнинг Самарқанд шаҳар ва Нуробод тумани аҳолиснинг турар жой биноларини иситиш учун сарфланадиган иссиқлик энергияси нормаларини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 июлдаги “Уй-жой-коммунал хизматларнинг ўз харажатларини ўзи қоплашига босқичма-босқич ўтиш муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 271-сонли ҳамда 2001 йил 18 апрелдаги “Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 178-сонли қарорларига асосан, Самарқанд шаҳар ва Нуробод туман аҳолиснинг турар жой биноларини иситиш учун сарфланадиган иссиқлик энергияси етказиб бериш ҳолатини янада яхшилаш мақсадида,

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд шаҳар ва Нуробод тумани аҳолиснинг турар жой биноларини иситиш учун сарфланадиган иссиқлик энергияси нормалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов) вилоят “Иссиқлик манбаи” давлат унитар корхонаси (А.Бахриев) аҳолига ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилишини таъминласин.

3. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати-матбуот котиби (М.Мирзаев) мазкур қарорни “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Гурдимов



ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ  
2021 йил 02 февралдаги  
-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Самарқанд шаҳар ва Нуробод тумани аҳолисининг турар жой биноларини иситиш учун сарфланадиган  
иссиқлик энергияси  
НОРМАЛАРИ**

Т/р	Шаҳар, туман номи	Умумий уй-жой майдонининг 1 кв.метрини иситиш учун бир кунда сарфланадиган иссиқлик энергияси		Бир одамга сарфланадиган иссиқлик энергияси Гкал/одам
		Ўлчов бирлиги	Истеъмол нормалари	
1	Самарқанд шаҳар	Умумий майдонининг 1 кв.метр учун кунига Гкал	0,001642	1 Гкал/одам 0,007333
2	Нуробод тумани	Умумий майдонининг 1 кв.метр учун кунига Гкал	0,001224	1 Гкал/одам 0,007036

Вилоят Уй-жой коммунал хизмат  
кўрсатиш бошқармаси бошлиғи

  
Б.Негматов

Ижрочи: Вилоят ҳокимининг ўринбосари котибияти  
1-тоифали мутахассиси

  
Ф.Мусурманов